КО НОЯ 15841

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 252 (5543).
2 НОЯБРЬ 1984 й.
ЖУМА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● Кеча область қишлоқ хўжалик ходимлари кенгашининг қатнашчилари Андижон областининг меҳнат коллективлари халқ хўжалик планларини ва ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йили учун олинган социалистик мажбуриятларни қандай бажараётганликларини кўриб чиқдилар. Область партия комитетининг биринчи секретари С. Мамарасулов доклад қилди.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади.

Кенгаш қатнашчилари область барча қишлоқ хўжалик меҳнатчиларига мурожаат қилиб, йиғим-теримни тез ва ҳеч нобудгарчиликсиз тугаллашга даъват этдилар ва бу йил давлатга 630 минг тонна пахта сотиш мажбуриятини қабул қилдилар.



ҲАМ СУРЪАТ, ҲАМ СИФАТ

Шаҳримиздаги «Учқун» тўқимачилик-галантерея ишлаб чиқариш бирлашмасининг аҳил коллективи ўн биринчи беш йилликнинг зарбдор тўртинчи йили план-топшириқларини муддатидан илгари адо этиш учун ғайрат билан меҳнат қилмоқда. Шу кунларда корхонада Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 67 йиллигини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун социалистик мусобақа тобора авж олмоқда. Пешқадам коллективлар, ишлаб чиқариш новаторлари ва илғорларни кўлга киритган муваффақиятлари ҳақида кетма-кет рапорт беришмоқда.

Комсомол аъзоси тажрибали ўровчи Мактуба Эшонқулова ана шундай зарбдорлардан бири. У пешқадам бригаданинг аъзоси. Мактуба шу кунларда смена топшириқларини мунтазам 120-130 процент адо этиш билан бирга фақат аъло сифатли маҳсулот топширмоқда.

СУРАТДА. Мактуба Эшонқулова.

М. Нуриддинов фотоси.

АҲДГА ЯРАША

БУГУН

шаҳримиздаги лак-бўёқ заводида йил бошидан бери тайёрланган оқ рангли бўёқ миқдори 800 тоннага етди. Корхона коллективи юбилей йилининг сўнгги ойигача ана шу турдаги бўёқдан яна 200 тонна тайёрлаб, олинган топшириқни муваффақиятли бажаришга бел боғлаган.

Ҳозирги кунда корхонада энг муҳим бўёқлар, лак ва алифларнинг етти хилдан зиёд тури юксак сифат билан тайёрланмоқда. Бу ерда, шунингдек, техникага мўлжалланган тормоз суюқлиги ҳам катта миқдорда ишлаб чиқариляпти. Қутлуғ йилда 250 тоннадан ортиқ ана шундай суюқлик тайёрлаш кўзда тутилган.

Республикамизни г муборак тўйи ҳамда буюк Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига социалистик мусобақани тобора авж олдираётган завод коллективи ўн биринчи беш йиллигининг тўртинчи йилини 17 миллион 300 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаш билан якунлашга аҳд қилган.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитети сиёсий бюроси навбатдаги мажлисида меҳнатдаги ғоят муҳим ютуқлари учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг илғорларига КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Давлат мукофотларини бериш тўғрисидаги қарорлари матбуотда эълон қилинади.

Сиёсий бюро мажлисида Белгород область партия ташкилотининг чорвачилик учун ем-хашак ресурсларини бунёд этишга оид таклифларини муҳокама қилиш натижалари кўриб чиқилди. Ватан техникаси, фани ва маданиятининг ривожлантиришдаги, шунингдек, олий ўқув юртлари, ишчилар ва ўрта мактаб ўқитувчилари учун дарсликлар тайёрлаш даги энг катта ютуқлар ана шу мукофотлар билан тақдирланди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Давлат мукофотларини бериш тўғрисидаги қарорлари матбуотда эълон қилинади.

Сиёсий бюро мажлисида Белгород область партия ташкилотининг чорвачилик учун ем-хашак ресурсларини ошириш ва ем учун дон сарфлашни камайтириш соҳасидаги иш тажрибаси кўриб чиқилди. Белгород областининг партия, совет ва хўжалик органлари кейинги йилларда концентрациялашган ем-хашакни камроқ сарфлаб, чорвачилик маҳсулотини планлаштирилган ҳажмларда етиштиришни таъминлаш юзасидан кўп ишларни қилганликлари қайд этиб ўтилди. Озуқабоп экин майдонларида энг серҳосил экинлар, аввало макка-жўхори, кўп йиллик ўтлар ва илдиз мевали экинлар экиладиган майдонлар кенгайтирилди. Ем запасларини сақлаш учун база ва жудга келтирилди. Кўпгина колхозлар, совхозларда, шу жумладан, барча йирик чўчқачилик корхоналарида ҳам мавжуд озуқа цехлари сифатли терт тайёрлаш ва шу асосда чорва молларига бериладиган дон еминнинг талайгина қисмини тўйимлилиги жиҳатидан баб-баравар бўлган миқдордаги хашак ва ширали озуқа билан алмаштириш имконини берадиган серунум машина-ускуналар билан қайта жиҳозланди.

Барча районларда чиқитсиз технологияларни жорий этиш асосида озиқ-овқат чиқитлари ва бошқа чиқитларни озуқа учун қайта ишлаш ташкил этилган. Областда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш муттасил ортиб бормоқда. Уларни давлат йўли билан харид этиш планлари бажарилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси шу ижобий тажрибани маъқуллаб, ем-хашакдан оқилона фойдаланилишини таъминлаш, ем запасларини тўлдиришнинг қўшимча резервларини мумкин қадар кўпроқ жалб этиш, доннинг озуқа мақсадидаги сарфини камайтириш катта умумдавлат аҳамиятига молик, деб таъкидлади. Жойлардаги партия, совет ва хўжалик органларининг, чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш учун машина-ускуналар яратаётган машинасозларнинг, агросаноат комплексидаги барча министрликлар ва идораларнинг, колхоз ва совхозлар ходимларининг кучғайратлари ушбу вазифани ҳал этишга қаратилиши лозим.

Сиёсий бюро КПСС Марказий Комитети 1984 йил октябрь Пленумининг йўл-йўриқларини ҳисобга олиб, СССР Министрлар Совети Волгоград областида ва Ставрополь ўлкасида қишлоқ хўжалиги ҳамда мелиорацияни янада ривожлантириш, бу ерларда агросаноат комплексининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг барча асосий турларини етиштиришни кўпайтириш юзасидан ишлаб чиққан тадбирларини қўллаб-қувватлади.

К. У. Черненко, Г. В. Романов ва Н. А. Тихонов ўртоқларнинг Монголия Халқ революцион партияси Марказий Комитети Бош секретари, МХР Министрлар Советининг Раиси Ж. Батмунх билан олиб борган музокараларининг якунлари кўриб чиқилиб, маъқулланди. Ана шу музокаралар чоғида КПСС билан МХРП, Совет Иттифоқи билан Монголия Халқ Республикаси ўртасидаги дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантиришнинг асосий масалалари ҳам муҳокама қилинди. Сиёсий бюро шуни қайд этдики, иккала мамлакат халқларининг манфаатларига мос бўлиб тушаётган Совет — Монголия ҳамкорлиги социалистик ҳамдўстликнинг жипслигини янада мустаҳкамлашга, социалистик иқтисодий интеграция вазифаларини муваффақиятли ҳал этишга кўмаклашиб, изчиллик билан муттасил ривожланаверади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида мамлакатимиз иқтисодий ва социал-маданий турмушига, қардош социалистик мамлакатлар билан дўстликни мустаҳкамлашга, тинчликни сақлаб қолиш ва халқаро кескинликни юмшатишга оид бошқа баъзи масалалар ҳам муҳокама қилинди.

ЎҚИШ ТУГАЛЛАНДИ

Тошкент Олий партия мактабидаги партия ва совет ходимлари малакасини ошириш республикалараро курсида тингловчилар навбатдаги группасининг машғулотлари тугалланди. Улар составида Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон район ҳамда шаҳар газеталарининг редакторлари, область ва республика газеталари ҳамда журналлари редакторларининг ўринбосарлари ва бўлим мудирлари бор эди.

Коммунистик қурилиш назарияси ва практикасининг, ривожланган социализм босқичида иқтисодий сиёсатнинг, КПСС ва Совет давлати халқаро сиёсатининг актуал масалалари ўқув программасига киритилган эди.

Ўқув жараёнида оммавий ахборот воситаларининг партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларидан, ўртоқ К. У. Черненко нутқларида баён қилинган қоидалар ва хулосалардан келиб чиқадиган вазифаларига алоҳида ўрин берилди.

Курс тингловчилари КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленумининг талаблари асосида матбуот материалларининг ғоявий мазмуни ва таъсирчанлигини ошириш проблемаларини муҳокама қилдилар.

Курсда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг масъул ходимлари, министрлик ва идораларнинг раҳбарлари, олимлар лекция ўқидилар. Ўзбекистон газета ва журналларининг редакцияларида тингловчилар интизомни ошириш ва тартибни мустаҳкамлаш масалаларини, республика меҳнаткашларининг Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун кўрашини матбуотда ёритиш иши билан таништирилди.

(ЎзТАГ).

БИЗ ҲАММАМИЗ—ПАХТАКОРМИЗ



ПАХТАЗОРДАН ДАРАКЛАР

№ 28

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ

ГАЗЕТАЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА АВТОТРАНСПАССАВТОТРАНС» БОШҚАРМАСИНИНГ ОТАЛИҚДАГИ ОБЛАСТЛАР ПАХТА ДАЛАЛАРИДАГИ МАТБУОТ МАРКАЗИ.

Махсус мухбирларимиз А. Хатамов, Ф. Каримов, М. Юнусовлар хабар қилади.





ЗАРБДОР СУРЪАТ БИЛАН



Уч область заршуносларига ёрдам бераётган тошкентликлар республикамизнинг улкан «оқ олтин» хирмони бунёд этилишига ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшмоқда. Жиззах областининг Октябрь районидаги «Уч қаҳрамон» совхозида меҳнат қилаётган Охунбобоев номли медицина билим юртининг талабалари айниқса зарбдор меҳнат намуналарини кўрсатишяпти. Бўлажак мединкларнинг ҳар бири мавсум охирига қадар икки тоннадан пахта териб бериш мажбуриятини олган.

Қўшни Арнасой районидаги Рокоссовский номли 23-совхозда эса Ўзбекистон ССР Соцаал таъминот министрлигига қарашли соцаал таъминот техникумининг ўқувчиларн пахта теришяпти. Техникумнинг 200 нафар ўқувчиси шу кунга қадар 200 тонна пахта терди. Техникум мавсум бошидан берк Чилонзар районн техникумлари ўртасидаги мусобақада мунтазам биринчи ўринни эгаллаб келмоқда. Узаро беллашувда икки беш кунликдан берк қўчма Қизил байроққа сазовор бўлаётган иккинчи курс талабалари пешқадамлик қилишяпти. М. Жўраева, Д. Мусродов, М. Тоштемирова, Х. Эргашев, Ф. Мўминова ва бошқалар ҳар куни 100—130 килограмм-га етказиб «оқ олтин» теришмоқда.

СУРАТЛАРДА: Й. Охунбобоев номидаги медицина билим юрти ва социал таъминот техникумининг талабалари пахта теримида.

«ОҚ ОЛТИН»—ВАТАНГА

Республика областларида пахта йиғиб-териб олишнинг бориши тўғрисида шу йил 1 ноябргача бўлган маълумот.

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён.

Фарғона	0,90	97,35
Тошкент	0,96	95,37
Наманган	1,00	92,63
Андижон	0,94	88,27
Хоразм	1,03	83,93
Сирдарё	1,31	83,25
Сурхондарё	0,81	83,22
ҚҚАССР	1,16	71,17
Самарқанд	1,01	69,78
Жиззах	0,86	62,85
Бухоро	0,48	60,38
Навоий	0,82	58,95
Қашқадарё	0,65	45,95
Республика бўйича	0,91	77,01





● Ер юзини уруш оловидан асрайлик

Меҳнат коллективларининг азму-қарори

Шу кунларда пойтахтнинг қатор корхона ва ташкилотларида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Жаҳон Тинчлик Кенгаши чақириғига биноан қуролсизланиш учун ҳаракат ҳафталиги доирасида митинглар бўлиб ўтмоқда.

Ана шундай митинглардан бири «Компрессор» заводида бўлиб ўтди. Заводнинг механика-йиғув цехига тўпланган кўплаб машинасозлар: «Биз тинчлик тарафдоримиз», «Қуролланиш пойгасига чек қўйилсин!» шиорларини кўртариб олишган. Митингда сўзга чиққан Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Н. Ткаченко, меҳнат ветерани А. Филоненко, токарь Х. Муҳиддинов, ёш слесарь асбобсоз М. Арслонов ер юзида тинчликни сақлаш, ҳарбий-стратегик тенгликни таъминлаш борасидаги КПСС ва Совет ҳукуматининг сиёсатини тўла маъқулладилар. Митингда якдиллик билан қабул қилинган қарорда: тинчлик — халқларнинг орзуси, тинчлик сақлаб қолиниши лозим дейилади. Шу боисдан ҳам машинасозлар ўз меҳнатлари билан тинчлик ишига муносиб ҳисса қўшиб, мамлакатнинг моддий қудратини янада бойитишга сўз бердилар.

Ана шундай урушга қарши митинглардан бири «Матбуот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош корхонасида ҳам бўлиб ўтди. Матбуотчилар Америка Қўшма Штатларининг олиб бораётган сиёсатини кескин қоралаган ҳолда қуролланиш пойгасига чек қўйилишини талаб этдилар. Митингда сўзга чиққан печатник М. Зайтаев, уруш ва меҳнат ветерани У. Мирзоҳидов ва бошқалар Октябрь районидаги ташкилот ва корхоналарда меҳнат қилаётган ишчи ва хизматчиларнинг азму-қарорини баён этиб, ер юзида тинчликни сақлаш учун кескин курашишга сўз беришди. Матбаачилар ноябрь ойида оммавий шанбалик уюштириб, ундан тушган маблағни тинчлик фондига ўтказишга қарор қилишди.

Шунингдек, трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг «Красновосточное» депосида ҳам урушга қарши кўп кишилик митинг бўлиб ўтди.

— Ўзбекистон пойтахтида қуролсизланиш учун ҳаракат ҳафталиги кунларида бўлиб ўтган урушга қарши митинглар, — дейди Совет Тинчлик фонди Тошкент бўлимининг масъул секретари М. Пўлатова, — тошкентликларнинг мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, қуролланиш пойгасига чек қўйишга азму-қарор қилганликларини намойиш этди. Шаҳар меҳнаткашлари КПССнинг тинчликсевар сиёсатини тўла маъқуллаётганини ва империалистик кучлар милитаризмини қораладилар.



МОСКВА. Бугун бу ерда Союзлар уйининг Колонна залида шахмат бўйича жаҳон биринчилиги учун совет гроссмейстерлари А. Карпов—Г. Каспаров ўртасидаги матчининг навбатдаги йигирма биринчи партияси ўйналади. Оқ донолар билан жаҳон чемпиони А. Карпов ўйнайди.

Эслатиб ўтамиз, матчда ҳамон жаҳон чемпиони А. Карпов 4:0 ҳисобида пешқадамлик қилаяпти.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

БУГУН ТОШКЕНТДА:

«Билим» жамияти Ленин район ташкилотн корхоналар ва ташкилотларга олимларнинг коллектив бўлиб чиқишини ташкил этди. Қарийб 40 лектор Октябрь революцияси номли тепловоз ремонти, «Средазэлектроаппарат», электрон техника, «Қизил тонг» корхоналарн ва «Водоканал» трестида бўлишди. Олимлар ишчилар ҳузурида КПСС Марказий Комитетининг октябрь (1984 йил) Пленуми материаллари, партиянинг ҳозирги даврдаги иқтисодий стратегияси, совет турмуш тарзи, илмий-техника тараққиёти, КПССнинг ташқи сиёсати йўли бўйича лекциялар ўқидилар.

Ҳиндистон Республикасининг Бош министри Ражив ГАНДИ жаноби олийларига

Сиз Ҳиндистон Бош министри юксак лавозимини эгаллаганингиз муносабати билан самимий қутловларимизни қабул қилгайсиз.

Совет кишилари дўст ҳинд халқининг мамлакат миллий мустақиллиги ва бирлигини мустаҳкамлаш, уни социал-иқтисодий ривожлантириш проблемаларини ҳал этиш, жаҳон ишларида Ҳиндистоннинг ролини ошириш борасидаги куч-ғайратларига хайрихоҳлик билан муносабатда бўлмоқдалар. Ана шу вазифаларни ҳал этиш Жавохарлал Неру билан Индира Гандининг ҳаёт иши бўлган эди. Ушбу олижаноб вазифани давом эттиришда Сизга муваффақиятлар ёр бўлади, деб умид билдирамиз.

Совет Иттифоқи халқи ва раҳбарлари Ҳиндистон билан анъанавий дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш ҳамда чуқурлаштиришга катта аҳамият бериб келмоқдалар. Совет Иттифоқи Ҳиндистоннинг экономикасини янада мустаҳкамлашда, унинг халқаро обрў-эътиборини оширишда унга кўмаклашишга тайёр эканлигига амин бўлишингиз мумкин.

СССР билан Ҳиндистоннинг жаҳон майдонидаги баҳамжиҳат ҳаракати кучайиб бораётганлиги Осиёдаги ва ундан ташқаридаги аҳволга тобора кўпроқ сезиларли ва самарали таъсир ўтказмоқда. Бундай баҳамжиҳат ҳаракат ҳозир халқаро вазият хатарли равишда кескинлашиб кетган бир шароитда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Совет-Ҳиндистон мусобатлари мамлакатларимиз халқларининг манфаатларини, ялпи тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш манфаатларини кўзлаб янада ривожлантирилишига ишончимиз комил.

Бош министр жаноблари, Сизга Ҳиндистон ҳукумати бошлиғи лавозимидаги масъулиятли фаолиятингизда катта муваффақиятлар тилаймиз.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

Ҳиндистон чиҳонасига боришди

Ғарбий Европа давлатларча суиқасд натижасида Ҳиндистон республикасининг Бош министри Индира Ганди бевақт вафот этганлиги муносабати билан 31 октябрь куни К. У. Черненко, А. А. Громико, М. С. Соломенцев Ҳиндистоннинг Совет Иттифоқидаги элчихонасига бордилар.

Улар улуғ ҳинд халқининг севимли қизи, Ҳиндистоннинг собиқ давлат ва жамоат арбоби, халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги учун отошин фидойиларча курашчи, Совет Иттифоқининг ҳақиқий дўсти ҳотирасига бир дақиқа сукут сақлаб ҳурмат билан эсга олдилар ва таъзия дафтарига имзо чекдилар.

ҲИНД ХАЛҚИГА МУРОЖААТ

ДЕҲЛИ, 1 ноябрь. (ТАСС). Ҳиндистоннинг янги Бош министри Ражив Ганди Умумҳиндистон радиоси ва телевидениеси орқали ҳинд халқига мурожаат қилиб, нутқ сўзлади. У ўз нутқида мамлакат аҳолисини бутун миллат чуқур мотам тутаётган бир пайтда кўпроқ вазминлик ва осойишталикка чақирди.

Индира Ганди фақат менинг онамгина эмас, бутун ҳинд халқининг ҳам онаси эди, деди у. Индира Ганди сўнгги томчи қони қолгунча ҳинд халқига хизмат қилди. У ўзининг бутун кучини Ҳиндистоннинг тараққиётига

Ражив ГАНДИ нутқи

нақадар ҳормай-толмай ва сабот билан бағишлаб келганини мамлакат яхши билади. Қайси динга мансублигидан, қайси тилда гаплашишидан ва сиёсий эътиқодидан қатъи назар барча гражданлар битта катта онла бўлиб яшайдиган мамлакат — ягона, тинчликсевар ва равнақ топувчи Ҳиндистон ҳақидаги орзу унинг учун нақадар муқаддас бўлганини сизлар ҳаммангиз биласизлар. Унинг бевақт вафоти бу ишни ниҳоясига етказишга имкон бермади. Айни биз бу ишни охирига етказишимиз керак. Чуқур мотам пайтида биз матонат, мардлик ва доноликка кўрсатишимиз лозим. Индира Ганди орамизда бўлмаса ҳам, унинг иши яшайди. Бу масъулиятни бутун халқ англашига ва биз бутун жудолик мусибатига бардам туриб бардош беришимизга аминман.

Мамлакат, деб таъкидлади сўзининг охирида Р. Ганди, менинг зиммамга жуда катта масъулият юклади, мен бу масъулиятни бутун халқнинг мададкорлиги ва ҳамкорлиги билангина бажара олишим мумкин.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ:
ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

ТАЛАБЧАНЛИК РУҲИДА

Бу корхона коллективи ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йили республика социалистик мусобақасида ғолиблар даврасидан муносиб жой эгаллаб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланган эди.

Ўнинчи беш йиллик ва ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилларида ҳам район саноат корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақада пешқадамлик қилгани учун Ўзбекистон Компартияси Собир Раҳимов район комитети ва халқ депутатлари район Совети ижроия комитетининг бир неча бор Қизил байроқлари, шунингдек, Ўзбекистон карлар жамияти ва соҳа касаба союзларининг Қизил байроқлари ва пул мукофотларига сазовор бўлган.

Яқинда ишчанлик ва талабчанлик руҳида ўтган корхона партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишида доклад қилган корхона партия бюросининг секретари Мираъзам Абдуғаффоров ана шу ютуқларни тилга олиб ўтди.

— Биз ўн биринчи беш йилликнинг тўрт йилида 15 миллион сўмлик кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш мажбуриятини олганмиз,— деди у ўз докладида, — ана шу юксак мажбуриятга жавобан ғайратга-ғайрат қўшиб меҳнат қилаётган ишчи-хизматчилар ва инженер-техник ходимларимиз юбилей йилининг ортда қолган тўққиз ойида 3940 минг сўмликдан кўпроқ маҳсулот реализация қилиб, давлат планини 102,1 процент, 3951 минг сўмлик товар маҳсулоти ишлаб чиқариб, бу борадаги топшириқни 103,1 процент адо этдилар. Меҳнат унумдорлигини қўшимча равишда 1 процент ошириш, маҳсулот таннархини эса 0,5 процент камайтириш ташаббусини маъқуллаб қарор қабул қилганмиз.

Буюртмачилар билан тузилган шартномалар беками-кўст бажариляпти. Шикоятлар йўқ. Тўққиз ойда тушган рационализаторлик таклифлари орасида коммунист А. Тўлагановнинг таклифи энг кўп самара берди, у ишлаб чиқаришга жорий этилиб, йилига 9 минг сўмдан иқтисодий манфаат кўриляпти.

Маълумки, ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида корхонанинг мебель ишлаб чиқарадиган цехида меҳнат интизомига риоя қилинмаслиги, ишчилар, ҳатто баъзи коммунистлар ҳам ишга кечикиб келиши, ишдан барвақт кетиб қолиши ҳоллари ҳақида танқидий гаплар бўлган эди. Шунингдек техника хавфсизлиги, ёш ишчиларга касб ўргатиш, уларнинг билимини оширишдаги жиддий камчиликлар ҳақида гапирилган ва қабул қилинган қарорда бу қайд этилган эди. Бу масалалар партия бюросида кўрилиб, амалий тадбирлар белгиланди.

Бироқ партия бюроси ишида нуқсонларга ҳам йўл қўйилди. Ҳисобот даврида комсомол ва касаба союз ташкилотларининг ҳисоботлари тингланмади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми, Тошкент область ва шаҳар партия комитетларининг пленумлари қарорларида илгари сурилган вазифаларни амалга ошириш режалари тузиб олинди ва улар амалга ошириляпти. Кекса коммунист, Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси, мураббий Абдураҳим Тўлаганов бошчилик қилаётган тўқувчилик цехининг коммунистик меҳнат коллективи барча ишчиларга намуна бўлмоқда. Улар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли 60 йиллик юбилейи шарафига ўн биринчи беш йилликнинг тўрт йили планини 1 октябрдаёқ бажариб, ваъдаларига вафо қилдилар. А. Тўлаганов етакчилик қилаётган бу цех янги ташаббус билан майдонга чиқди. Улар Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига зарбдор меҳнат вахтасида туриб ишлаш, ўн биринчи беш йиллик планларини 1 майгача бажариш, бир кунлик иш ҳақини тинчлик фондига беришга аҳд қилишди.

Бу хайрли ишни тикувчилик цехи коллективи ҳам қўллаб-қувватлади. Шонли юбилей шарафига бошланган социалистик мусобақа ғолиблари бўлган коммунистлардан тикувчи-мотористкалардан Т. Савельева, М. Мақсудова, А. Силантьева, Қ. Каримова, Ж. Салимов ва бошқалар юбилей шарафига ўн биринчи беш йиллик планларини 1 октябрдаёқ уддалашди.

Докладда ва музокарада сўзга чиққан нотиқларнинг сўзларида партия бюросининг ишидаги камчиликлар рўй-рост очиб ташланди. Партия ташкилоти ҳисобида турувчи коммунистларнинг 90 проценти хотин-қизлардир. Бу яхши. Аммо улар ўртасида олиб борилаётган сиёсий-тарбиявий иш суст. Улар жамоатчилик ишларига кам аралашадилар.

Корхонада халқ контроли группаси, «Комсомол прожектори», деворий газета ишларига ҳам яхши эътибор берилмайди. Деворий газета фақат байрамлардагина чиқарилади.

Меҳнат унумдорлигини ошириш ҳақида кўп гапирилади. Аммо резервларни ишга солиш ҳақида кам ўйлашади. Ахир, ҳали қўл меҳнати ҳиссаси юқори-ку. Тежамкорлик ишлари ҳам ўлдажўлда. Масалан, тикувчилик цехи юбилей йилининг 9 ойида бор-йўғи 42 метр мато тежабди. Электр энергиясини тежашчи? Кулгили аҳволда.

Мебель цехида тайёрланаётган китоб жавонлари, ёзув столларининг сифати анча паст. Буни яхшилаш чоралари кўрилиши керак. Партия бюроси партия очиқ йиғилишларида цех бошлиқларининг ва халқ контроли группаси раҳбарларининг ҳисоботларини тинглашга алоҳида эътибор бериши керак.

Сўзга чиққанлар партия бюросининг ишини қониқарли деб топдилар. Бу — 1-ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси карлар жамиятига қарашлидир. Бу ерда ўтган ҳисобот-сайлов партия йиғилиши, шак-шубҳасиз, ишнинг барча соҳаларига ижобий таъсир этади.

Т. НАЖМИЙ,
СССР Журналистлар союзининг аъзоси.



Комсомол аъзоси Ҳасан Гафин мана 6 йилдирки, «Геологоразведка» тажриба-намуна заводида унумли меҳнат қилиб келади. Ишчан токарь мунтазам равишда кунлик топшириқлар

• Илғор тажрибалар адреси

Аҳил бригада

Тошкент кўн-галантерея ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмасида илғор бригадалар анчагина. Улардан бирига Муқаддас Юнусова етакчилик қилади. Унинг бригадирлик фоалияти қисқагина — энди тўрт йил бўлди. Аммо ибратли. План ва мажбуриятини бажармай қолган йили йўқ. Октябрь ойи якунига кўра бригада социалистик мусобақа ғолиби. Ойлик план 117 процентдан ошириб адо этилди. Бу 12,4 минг ўрнига 14,6 минг дона қўлқоп ишлаб чиқарилди, дегани.

Бригадада 17 нафар қиз ишлайди. Уларнинг барчаси бир-биридан чаққон, доимо бирлашмада яйраб-қувнаб юришади. Кўрганлар «бу қизлар Муқаддаснинг бригадасидан» дейишади.

Биз тикувчиларнинг иши билан танишганимизда бир нарсанинг гувоҳи бўлдик. Кунлик ишлаб чиқарилган маҳсулот сонига назар ташласак, кундан-кунга ўсиш. Мана ўтган куни 558 дона қўлқоп тикилибди, бугун эса 562 дона. Бу кўрсаткич кунлик нормадан 28—32 дона кўп демакдир. Бундай ютуқларга вақтдан унумли фойдаланиш, тежамкорлик ҳисобига эришилмоқда.

Муқаддас Юнусова фаолияти ҳақида ҳам ҳар қанча гапирса арзийди. Чунки у бирлашмадаги илғор тикувчилардан.

Муқаддас мактабни битирибоқ ишга кирди. Цех бошлиғи унга «Бирлашмамизнинг пешқадам, тажрибали ва талабчан тикувчиси Зоя Павловна Пакка шогирд бўлиб иш бошлайсиз», — деди. Тикувчилик касбида йигирма йилдан ортиқроқ ишлаб кўп ёшларга мураббийлик қилган З. Пак ҳақиқатан ҳам тўғри сўз, талабчан ва меҳрибон мураббий эканлиги билиниб турарди. Муқаддасга тикув машинаси дастасини ушлашдан тортиб, тикиш сир-асрорларининг ипидан игнасигача ўргатган ҳам шу ветеран ишчи бўлди.

Шу тариқа орадан салкам бир ой вақт ўтди. Мураббий ўз шогирдининг чаққон ҳаракатларини, қунт билан ишлашини кўриб цех раҳбарларига Муқаддас мустақил ишлашга ўтаверса бўлади, деган фикрни билдирди. Қизиқ, шогирдлар аксари олти ойдан кейин мустақил ишлашлари керак. Бу қиз қандай қилиб бир ойда ўзи дастгоҳ тепасида туради?

Шогирдининг зеҳни тезлиги ва эпчиллигини кўрган мураббий ўша пайтдаёқ «Ҳали кўрасизлар, бу қиздан ажойиб тикувчи чиқади», деб айтганди.

Мураббий тўғри айтган экан. Мана, орадан кўп ўтмай у илғор тикувчилар билан беллашадиган бўлиб қолди. Энди Муқаддас Юнусованинг номи бирлашмада тез-тез тилга олинадиган бўлди.

Муқаддас меҳнат фаолиятининг дастлабки йиллари комсомол ишларига яқиндан ёрдам бериб юрди. Уни 1979 йили КПСС сафига қабул қилишди. Орадан икки йил ўтиб цех бошланғич партия ташкилотн секретарлигига сайланди.

Меҳнат қилган, албатта бахт топар экан. Ҳамкасблари М. Юнусовани 1982 йили ВЛКСМнинг XIX съездига делегат қилиб юборишди. Съезддан у «Енгил саноат аълочиси» деган фахрли ном билан қайтди.

— Ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажарищ мусобақасига қўшилиб, иш вақтидан тўла фойдаланаётганим, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомига қатъий роя қилаётганим натижасида топшириқларни ҳамиша орттириб бажарияпман, — дейди М. Юнусова. — Шу билан биргаликда ҳалол ишлаб, юқори сифатли маҳсулот тайёрлашга ҳаракат қиламан. Устозим айтганларига амал қилиб кам бўлаётганим йўқ.

Меҳнат оддий ишчи қизга ҳурмат ва эътибор келтирди. Ўз ибрати билан ҳамкасбларини катта меҳнат зафарларини эгаллашга чақирибгина қолмай, коммунист сифатида бирлашманинг истиқболи учун бор куч-ғайратини сарфлаяпти. Бригада аъзоларидан Насиба Тоҳирова, Машкура Комилова, Мунира Насриддиновалар ҳам бригадирнинг изидан бормоқда. Улар ҳам мунтазам план-топшириқларни муддатидан илгари адо этмоқдалар. Бу фидокорлар совет халқи немис-фашист босқинчилари устидан қозонган Буюк Ғалабасининг 40 йиллигини ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йили планини бажариш билан кутиб олмоқчилар.

Д. ҚИРҒИЗБОЕВ.

БОШ МУХБИРИМИЗДАН

Тошкент оқшоми

ҲАЛАЛ

• МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

«Камолон»нинг истиқболи

Гўзал Тошкентимиз ўзининг кекса ва тарихий маҳаллалари билан ҳақли равишда фахрланади. Бундай масканлардан бири Октябрь районидаги «Камолон» маҳалласидир. Унда яшаган кекса ота-боболаримизнинг ҳикояларига қараганда унинг тарихи узоқ асрларга бориб тақалади. Бу ердаги сўғориш иншоотлари, қадимги уйлар, кўҳна бинолар шундан далолат беряпти. Масалан, шаҳарнинг қадимда Камолон дарвозаси, «Хўжалам-бардор» мақбараси ва бошқа иншоотлар узоқ йиллардан ҳикоя қилади.

Маҳалла ҳозирда бир томондан Халқлар дўстлиги проспекти билан чегараланади. Айниқса маҳалла яқинида бунёд бўлган В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройи шаҳримиз архитектурасининг фахри бўлиб турибди.

Илгари маҳалла энг катта ҳисобланар эди. Шаҳар қайта қурилиши муносабати билан эски уйлар бузилиб, кўплаб замонавий ос-монўпар бинолар қад кўтарди. Ҳозирда 326 хонадондан иборат бўлган «Камолон» уч минг кишилик аҳолини бир оиладек бирлаштириб турибди. Кейинги пайтларда фарзандларимиз узоғини яқин қилиш мақсадида 84-ўрта мактабнинг янги тўрт қаватли замонавий биноси ишга туширилди. Эски бинода эса болалар боғча комбинати ташкил бўлди.

Маҳалла аҳли бу ерда яшаб ва ижод этган таваррук кишилари билан ҳақли равишда фахрланади. Улар ўзбек амалий санъатининг дарғалари Уста Ширин Муродовнинг уй-музейини яратишга киришилади.

Маҳалла йил сайин обод ва кўркам бўлиб бормоқда. «Камолон» алоҳида массив ҳолида қайта ёшариши учун шаҳар капитал қурилиши Бош бошқармасининг буюртмасига биноан «Ташгипрогор» лойиҳа институтида бўлажак массивнинг лойиҳаси ишлаб чиқилди.

С. ЙЎЛДОШЕВ,
меҳнат ветерани.



Ушбу суратда меҳнат ветерани, Октябрь революцияси ордени кавалери, В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг слесарь-йиғувчиси Сергей Алексеевич Селеверстов (ўнгда) ва бригадир Леонид Тенин кўриб турибсиз. Бу ишчилар самолётнинг мураккаб деталларини йиғишда катта маҳорат орттиришган. Улар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейи йилида корхонада бошланган социалистик мусобақада фаол иштирок этиб, смена топшириқларини мунтазам 130—135 процентга етказиб адо этишяпти. Бирлашма назоратчилари улар йиққан буюмларни ҳамиша юқори баҳолайди.

А. Кашапов фотоси.

• ШАҲРИМ — ФАХРИМ

Кўчаларимиз файзли бўлсин

Яқинда юмуш билан Фарғона ва Наманган шаҳарларида бўлдим. Иккала шаҳарга ҳам гавжум кўчалар бўйлаб ўсган соя-салқин азим дарахтлар кўрк бериб, кўзни яшнатиб турибди. Шунда бир нарса эътиборимни тортди. Шаҳар кўчаларидаги ариқчалар четлари бетон қилинмас экан. Ариқда ҳамиша сув оқиб тургани туфайли дов-дарахтлар кўмкўк.

Бизда ҳам шундай сўлим кўчалар йўқ эмас. Аммо айрим жойларда, масалан Усмон Юсупов, Ойбек, Энгельс кўчалари бўйларида дов-дарахтлар деярли йўқ, баъзилари ҳам қовжираб қолган. Ариқларнинг чети бетон қилинганлиги туфайли дарахтларга сув етиб бормайди. Киров районидаги Уста Ширин кўчасида ҳам аҳвол юқоридагидек. Шу район ободонлаштириш бошқармасининг «узоқни кўзлаган» раҳбарлари тажрибали мироб Н. Асомовни бесабаб бошқа ишга ўтказиб юборди. Натижада Янгиариқ 1 ва 2-Кисловодск маҳаллаларига сув келмай, анчагина мевали дарахтлар қуриб қолди.

Хуллас, ариқларда сув оқмай қолган кўчалар шаҳримизда анчагина. Уларни тозалаш, кераксиз бетонлаштириш ишларига чек қўйиш лозим. Шаҳримизни боғу бўстонга айлантириш ўзимизнинг қўлимизда.

А. НАБИХЎЖАЕВ,
республикада хизмат кўрсатган маданият ходими.

Редакция почтасидан

ЙЎЛ ЁМОН, МАШИНА ГУМОН...

Бизнинг Юнусобод массиви 15-кварталидан Ишчилар шаҳарчасига 8-маршрутли такси қатнайди. Таксимиз баъзан камайиб қолиб, бизни хафа ҳам қилиб туради. Майли, ишқилиб, «Малика» бирлашмасида ишловчи кўплаб ишчилар, 5-кўп профилли касалхонага қатновчи ота-оналар, болалар ва шу касалхона ходимларининг бахтига маршруткамиз онда-сонда бўлса ҳам қатнаб турсин. Лекин, мана ёғингарчилик ҳам бошланди, бизни ташвишга солаётган бир муаммо бор. 15-кварталдан 5-касалхона томонга бурилиш жойда, асосий йўлнинг қирғоғида кўп қаватли бино тушаётганлиги сабабли йўл ён томонга олинган. Бу йўлдан ёзи билан чангга ботиб, машина 100-150 метр келадиган ўнқир-чўнқир йўлдан ўтиб олгач, яна қайтиб машинага тушиб юришга тўғри келади. Агар машинанинг ўзида ўтамиз десангиз, юрагингизни чангаллаб турасиз, йўл ёмонлигидан машина ағдарилиб кетаётганга ўхшайди.

Эринмасдан, 3-4 машина асфальтнинг бағридан кечиб, бу йўл тартибга солинмаса, бирор фалокат бўлиши мумкин.

Ш. ХУДОЙБЕРДИЕВА.

КОСМИК АСРДАГИ «АНҚОНИНГ УРУҒИ»

• ЛУҚМА

Сарлавҳани ўқиб, бу қандай ноёб буюм экан деб ўйланиб тургандирсиз. Сизни тушунаман. Шунинг учун ҳам гапни чўзмай айтиб қўя қоламан, бу буюм — резинка. Кийим-кечакка ишлатиладиган оддий резинка.

Резинка ҳақида газетамизда «Кураш тушган йигитча» (1984 йил 18 июль) сарлавҳали танқидий мақола берилган эди. «Ташгалантерейторг»даги ўртоқлар уни ўқмаган шекилли. Ёки ўқисалар ҳам нима деб жавоб ёзишга ҳайрон, балиқдек миқ этмай юришганмикин!

Майли, ҳозирча яна биз уларга аталган хатлардан бирини ўқиб берамиз.

— Мен шу кунларда кийим-кечакка ишлатиладиган резинка тополмай сарсонман, — деб ёзибди уй бекаси Турсунова. — Шаҳардаги барча галантерея магазинлари, шу жумладан, ЦУМ, «Шуҳрат» магазинларн ва Фарҳод бозори яқинидаги савдо расталарига бориб қуруқ қайтдим. Айтинг-чи, мен Тошкентдек шаҳриозимдаги қайси магазиндан оддий резинка сотиб олишим мумкин!..

Резинка йўқ, опажон. Биз шу хусусда «Ташгалантерейторг» раҳбарларига мурожаат қилдик. Ва қуриққина жавоб олдик. Торг шу йил ҳисобига 200 минг сўмлик резинкага буюртма берган. Лекин уларга фақат 90,5 минг сўмлик резинка жонивор ажратилган. Ўтган тўққиз ой ичида шунинг 75 минг сўмлиги сотиб бўлинган.

Хўш, умуман ҳозир шаҳарда резинка борми, десак ўлар лўнда қилиб йўқ дейишди.

Мақоламизга шу ерда якун ясаб қўя қолардик. Бироқ «анқонинг уруғи»га айланган нарса фақат шу резинка эмас экан. Шаҳардаги магазинларда ҳозир рўзғор учун керакли яна бир буюм—қайчи ҳам йўқ. Атторнинг пештахтасида қалашиб ётибди, лекин магазинларда йўқ. Аттор қайчини ўзи ишлаб чиқармаса керак, қайсидир магазиндан олар! Лекин қани ўша магазин! Бунн балки «Ташхозторг»дагилар биларлар!..

Ҳозир оддий ҳамиртуриш ҳзлаб беҳуда сарсон бўлиб юрганларнн тўпласа битта катта стадион тўлади. Чунки ҳамиртуриш ҳам зарур, керакли.

Энди тегишли ташкилот раҳбарлари бу ҳолис гаплардан ўзлари боп хулоса чиқарнб олишларн ва редакцияга батафсил жавоб йўллашлари лозимлигини таъкидлаб қўйиш қолди холос. Шундай қилмасак, айрим ўртоқлар бироз паришонхотирроқ, жавоб ёзишни «эсдан чиқарнб» қўйиши мумкин.

Мақсад ЯХШИЕВ.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

«КЕЧАСИ ЎЧИБ, КУНДУЗИ ЁНАДИ»

Газетанинг шу йил 9 октябрь сонида юқоридаги сарлавҳа остида мақола берилиб, унда 1-проезд Бекобод кўчасида яшовчилар чироқлари кечаси ўчиб, эрталаб ённиш ҳақида шикоят қилишган эди.

Газетхонларнинг хатига шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармасида қарашли шаҳар кўчаларини ёритиш идораси бошлиғи вазифасини бажарувчи М. Бочков жавоб беради:

Чилонзор район электр тармоқлари корхонаси айни шу кунларда реконструкция ишларини бажариб, ёғочли симёғочлар ўрнига бетонли устунлар ўрнатмоқда. 1-Бекобод проездидаги ишдан чиққан симёғочлар Чилонзор райони бўйича ўтказилаётган реконструкция н и н г охирида албатта бажариб берилади.

• ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ДИ

Транспорт маршрут ўзгаришла

Тошкент метросининг иккинчи линияси бирин фойдаланишга топширилади. Мавжуд бешта стан лар олиб бориляпти. Тошкентлик метросозлар ган юксак социалистик мажбуриятларни шараф бекистон ССР ва Ўзбекистон Ком партиясининг га иккинчи линиянинг биринчи навбатини ой илгари фойдаланишга топшир ди.

Шу муносабат билан шаҳримиз даги пассажир рутларига ҳам бир қатор ўзгартишлар киритилди «Главташпассавтотранс» бошқармасининг ҳаракат Саъдулла Аъзамов билан учрашиб, янги метро тушиши муносабати билан шаҳар транспортида ўзгаришларни шарҳлаб беришни илтимос қилди.

— Ер ости қасрининг замонавий учар поездлари ўзининг қулайлиги билан барча йўловчиларни мамнун этмоқда. Ҳадемай, метрополитенинг иккинчи линияси биринчи навбати ишга туширилиши билан кўплаб ҳамшаҳарларимиз транспорт хизмати ўрнига метро хизматидан фойдаланишади. Шу муносабат билан ҳозир айрим транспорт маршрутларини қайта кўриб чиқиш, янги маршрутлар тузиш, ҳаракатдаги параллелликни йўқотиш лозим бўлиб турибди.

Метронинг янги линияси «Пахтакор» станциясидан бошланади. Шунинг учун ҳам ана шу станцияда кўп ўзгаришлар содир бўлади. 36-маршрутдаги автобуснинг охирги бекати олдин «Москва» меҳмонхонаси олдида жойлашган эди. Энди метронинг «Пахтакор» станциясигача узайтирилади. 31-маршрут ҳам қисман ўзгартирилди. У Беруний кўчаси бўйлаб «Хадра» ва «Халқлар дўстлиги» майдонлари, метронинг «Ўзбекистон» станцияси ва 5 декабрь кўчаси орқали метронинг «Пахтакор» станциясигача боради. Навоий кўчасини транспорт қатновидан енгиллаштириш мақсадида ва метрогача бўлган масофани қисқартириш, метро билан транспорт, ҳаракатида қайтариқ бўлмаслиги учун 64-«э» ва 65-«э» маршрутидаги автобуслар метронинг «Пахтакор» станциясидан айланадиган бўлади.

Ҳамшаҳарларимизга қулайлик яратиш мақсадида 13, 51, 7-«э» автобус маршрутларига ҳам ўзгаришлар киритилди. Бу маршрутларнинг сўнгги бекати олдин Ленин комсомоли майдонида жойлашган эди. Энди 7-«э» ва 13-маршрутлар олдинги йўналиши бўйлаб юриб, «Ленин комсомоли», «Халқлар дўстлиги» майдонлари, метронинг «Ўзбекистон» станцияси орқали «Пахтакор» станциясигача қатнайди. Қайтишда эса 9 январь кўчаси орқали «Ленин комсомоли» майдонига чиқиб, илгариги маршрути бўйлаб ҳаракат қилишни давом эттиради. 51-маршрутли автобус Юнусобод массивидан ўзининг олдинги маршрути бўйлаб келиб, «Ленин комсомоли» майдонидан 1-пойафзал фабрикаси, Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти орқали Ш. Руставели кўчасига чиқади ва Тошкент тўқимачилик комбинати томонга боради. Бу билан Юнусобод турар жой массивидагиларни тўқимачилик комбинати билан боғлайди.

Бошлиқ Ивановлик тўқимачилар массивларида истиқомат қилаётган ҳамшаҳарларимизга учун транспорт хизматини янада яхшилаш мақсадида 2-маршрутли автобус «Подмосковная» автостанциясидан темир йўл вокзалигача, 32-автобус эса Б. Хмельницкий кўчасидан Олой бозоригача қатнайдиган бўлади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ СВЕТОФОРИ

ДАВЛАТ АВТОМОБИЛЬ ИНСПЕКЦИЯСИ ХАБАР БЕРАДИ

Ўтган ҳафтада шаҳримизда 87 та йўл-транспорт ҳодисаси юз берди. Уларда 77 киши жароҳатландн.

Ҳайдовчи тўхтаб турган жойидан ҳаракатлана бошлашидан, ҳаракат йўналишини ҳар қандай ўзгартиришидан, олдиндаги транспортни қувиб ўта бошлашидан аввал ўзи чиқмоқчи бўлган йўлининг етарли масофада бўш эканлигига ва ўз ҳаракати билан ҳаракатнинг бошқа иштирокчиларига ҳалақит бермаслигига ишонч ҳосил қилиши лозим.

Йўл ҳаракати қоидаларидаги бу талабларга рноя қилишни ўзига маъқул кўрмаган айрим интизомсиз ҳайдовчилар кўнгилсиз ҳодисаларни келтириб чиқармоқдалар. Энг ачинарлиси шундаки, бунда мутлақо бегуноҳ кишилар, айниқса, болалар жабрланишмоқда.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг автобазасига қарашли «М—2140» «96—29 ТНМ» номерли автомашина М. Уйғур ва А. Тожибоев кўчаларни кесишган чорраҳага яқинлашганда ҳайдовчи Р. Толипов эҳтиётсизликка йўл қўйиб чорраҳадан чапга бурилаётган «ГАЗ 53» «16—83 ТНТ» номерли автомашина билан тўқнашув содир қилди. Ҳайдовчи Р. Толиповнинг хатоси шунда эдики, у маневр қилаётган юк автомашинасини ўнг томондан эмас, чап томондан кузатиб ўтмоқчи бўлди. Тўқнашувда «Москвич» даги йўловчи М. Расулова жароҳат олиб, 1-шаҳар касалхонасига ётқизилди.



НОЯБРЬ СЎЗИНИНГ МАЪНОСИ

Олтин куз фаслининг сўнгги ойи— ноябрь. Қадимги римликлар календарида бу тўққизинчи ой ҳисобланган. Шундан келиб чиқиб таъриф берилганда ноябрь лотинча сўз бўлиб, тўққизинчи деган маънони беради.

Ноябрнинг қадимги русча номи грудень деб аталган.

МУҲИМ САНАЛАР

● 7 ноябрь—Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 67 йиллиги нишонланади.

● 10 ноябрь—Жаҳон ёшлари куни [1945 йилда Лондонда бўлиб ўтган I Бутун жаҳон ёшлар конгрессида ташкил этилиши шарафига белгиланган].


● 10 ноябрь —Совет милицияси куни. [Ишчи-деҳқон милициясини ташкил этиш тўғрисидаги ленинча декрет эълон қилинган кун ҳар йили нишонланади].

● 17 ноябрь — Халқаро студентлар куни.

● 19 ноябрь — Ракета қўшинлари ва артиллерия куни.

● 28 ноябрь — Фридрих Энгельс туғилганига 164 йил тўлади.

● 29 ноябрь —Муқимий номли ўзбек Давлат музикали театри очилганига 45 йил тўлади.



Оқ қушлар. Х. Отабоев фотоси.

● ҲАЙВОНОТ ОЛАМИ СИРЛАРИ

Миннатдор филлар

Замбиянинг Луангва дарёси бўйидаги водийда жойлашган қўриқхона дирекцияси остонасида тасодифан фил пайдо бўлди. Узининг ўта баҳайбатлиги билан лол қолдирадиган бу гигант фил бўғиқ овоз чиқариб, муҳим бир нарса ҳақида тушунтиришга уринар эди. Хизматчилар уни зўр-базўр ҳайдаб юборишди. Бироқ келгуси куни фил яна пайдо бўлди. Бунинг устига машина йўлини тўсиб, хартуми билан қарама-қарши тарафга буриб юбормоқчи бўлди. Ҳайдовчи жонивор хоҳишига бўйсинишга мажбур бўлди. Фил автомобиль орқасига ўтди-ю, тезда йўлдан бурилиб, ўрмонга йўналди.

Қўриқхона хизматчилари унинг изига тушишди. Улар буталар орасига яширинib олган филлар тўдасида браконьер томонидан жароҳатланиб, боласини овқатлантира олмаётган она филни кўрдилар. Зоологлар тезда она ва болага ёрдам кўрсатдилар. Уч ҳафта давомида улар подага бориб жабрланган филни даволаб, боласини овқатлантирдилар.

Ота фил бу ишдан мамнун бўлди шекилли, «ташаккурнома» билдириб қўриқхона дирекцияси биноси олдига тез-тез келиб турадиган бўлди. Табиийки, ҳар сафар унга шифо топган ва халоскорларидан миннатдор бўлган она фил ва унинг боласи ҳамроҳ бўлар эди.

Жониворларга ғамхўрлик муассасаси

Брюсселда қарийб беш йилдирки, Инфор-анимо (жониворлар ҳақида ахборот) мақсус муассасаси ишлаб турибди.

Масалан, бу ерда мушукларга мебелларни тирнамаслик ўргатилади, жониворлар ишқибозларига хилма-хил фойдали маслаҳатлар берилади. Булар хизмат кўрсатишда ягона мақсад эмас. Инфор-анимода «тез ёрдам» мавжуд бўлиб, у овчарка ва канорейкага экстрен ёрдам кўрсатишга шай туради. Отпускага жўнаб кетувчилар ўз севимли жониворларини Инфор-анимога вақтинча топшириб, қайтганларидан сўнг олишлари мумкинн. Эгасиз ит ва мушуклар бу ердан аввалига вақтинча бошпана, омадлари келса, доимий эгаларини топишлари мумкин.

Ф. ОРИПОВ
тайёрлаган.

ҲАР ОЙНИНГ ТАОМНОМАСИ БОР

Қадимдан маълумки, фаслга қараб овқатланиш сиҳат-саломатлигимизга гаров бўлади. Хўш, ноябрь ойида қандай таомларни кўпроқ истеъмол этиш керак? Салат ва яхна овқатлардан: турпдан сир (пишлоқ)— қўшиб тайёрланган салат, «Фантазия» салати, қовоқ яхнаси, думба-жигар, яхна гўшт ва ҳоказо. Суюқ ошлардан: қатиқли мастава, бовартн барак, хасип шўрва, вермишель шўрва, қовурма шўрва, ширковоқ, шопирма кабилар; қуюқ таомлардан эса беҳили палов, ошқовоқли палов, туршак солинган шовла, макарон жаркоп, «Ҳўкиз тили», карт думба манти, қозон кабоб, балиқ кабоб, беҳи дўлма ва бошқалар. Қўйинда анчайин унутилган тоамлардан бирининг тайёрлаш усули билан таништирамиз.

«ҲЎКИЗ ТИЛИ»

Ёғлироқ гўштни яхлит бўлакларга кесиб совуқ сувли идишга солиб қайнатиб қўясиз, ҳосил бўлган кўпигини олиб ташлагач тўғралган пиёз, яхлит-яхлит сабзи, лаппак-лаппак қилиб тўғралган шолғом, бутун помидор ва арчилган бутун картошка солиб, бир соат давомида милтратасиз. Қайнатма шўрвадан бу таомнинг фарқи шундаки, бунга хамирдан ясалган «ҲЎКИЗ тиллари» солинади. Хамир думалоқланиб, бир сантиметр ҳажмда қирқиб қайнаб турган шўрвага ташланаверади.

Тайёр таомни дастурхонга тортишда сабзавотлар ва хамири човлида сузиб олинган, лаганга солинади, шўрваси эса алоҳида бўлинади.

Масаллиқ: шўрваси учун 500 грамм гўшт, ҳар биридан 200 граммдан сабзи, шолғом, картошка, 4—5 бош ўртача катталикдаги пиёз, 3—4 дона помидор туз ва зираворлар таъбга кўра солинади. «Ҳўкиз тили» хамири учун эса 400 грамм оқ ун, 5 дона тухум ёки бир стакан сут, 1 чой қошиғида туз керак бўлади.

К. МАҲМУДОВ.

УЗБЕКИСТОН ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ВА ТАБИИЙ МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ БОШҚАРМАСИ ХАБАР БЕРАДИ

ОБ-ҲАВО ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Куз фаслининг сўнгги ойи — ноябрь ҳам бошланди. Бундай пайтда одатда қушлар маконини ўзгартиради. Боғларда, хиёбонларда қарға ҳам оралаб қолди. Кунлар бир мунча салқин бўлиб, одамларнинг либоси ҳам шунга мослашиб боряпти.

Бу ойда ҳаво ҳарорати ўтган ойдагига нисбатан 6—7 даража пасаяди. Ўртача ҳарорат 4—7 даража иссиқни ташкил этади. Ойнинг биринчи ўнкунлигида об-ҳаво беқарор бўлиб туради, ёмғир ёғиши шимолий-шарқдан эсадиган шамол кучайиши мумкин. Иккинчи ўн кунликда кунлар янада ёқимли иссиқ бўлиб қолади. Жанубий кенгликлардан кириб келадиган оқим кунларни иссиқ қилади. Кечаларн 7—12, кундузлари 21—26 даражагача иссиқ бўлади. Учинчи ўн кунликда совуқ арктика оқимининг келиши натижасида кечаларн 8—13, даража совуқ, кундузлари О дан 5 даражагача иссиқ бўлади. Ёғингарчиликлар миқдори камроқ, кўп йиллик меъёри атрофида.

СЎНГГИ ТО КОЛОНКА

● МАСТРОЯННИНИНГ «ОЛТИН НИҚОБ»И

Таниқли италъян киноактёри Марчелло Мастроянни бу йил «Олтин ниқоб» совриниға сазовор бўлди. Италияда бу мукофот буюк маданият намоёндаларига топширилади. Узининг бутун умрини санъатга хизмат қилишга бағишлаган номзодни танқидчи ва журналистлардан иборат махсус жюри танлайди. Марчелло Мастроянни яқинда 60 ёшга тўлди, шундан 40 йиллик умрини у театр ва кинога бағишлади: қарийб юзта кинода суратга тушди ва театрларнинг ўнлаб пьесаларида образлар яратди. Мастроянига қадар «Олтин ниқоб» совриии Мария Каллас, Артуро Тосканнни, Федерико Феллини, Чезаре Дзаваттини, Микеланжело Антониони сингари буюк санъаткорларга, ўтган йили эса Альберто Сорднга топширилган эди.

● ДУНЁДАГИ ЭНГ КАТТА ВЕЛОСИПЕД

Японнянинг Осака шаҳрида яшовчи бир ихтирочи жаҳонда энг катта велосипед ясашга уч йил вақтини кетказди. Ниҳоят машина тайёр бўлди: унинг баландлиги 3,4 метр, узунлиги эса 5 метрдир. Лекин бир нарса жуда ташвишлантиряпти: ҳозиргача ҳеч ким, шу жумладан велосипедни ихтиро қилган ихтирочи ҳам ана шу улкан машина педалини айлантиролмаяпти. Бунга ҳеч кимнинг кучи етмаяпти.

● ТОПИШМОҚЛИ ЭКСПОНАТ

Англиянинг Чешир графлигидаги ғорлардан бирида бундан 2500 йил муқаддам яшаган одамнинг яхши сақланган жасади топилди. Бу одамнинг ҳатто сочлари ва соқоллари ҳам бутунлигича сақланиб қолган. Ҳозирги пайтда бу нодир топилма Британия музейининг экспонатига айланди. Британиянинг нам иқлим шароитида бальзамлаштирилмаган ҳолдаги инсон жасади бунчалик узоқ муддат мобайнида қандай қилиб яхши сақланиб қолган экан! Ҳозирча бу топишмоқ бўлиб турибди.

● СТАНЦИЯНИ... УНУТИШДИ

Яқинда Лондон-Эдинбург темир йўли линиясида янги станцияни очишга қарор қилишди. Платформа ва вокзал биносини ҳам қуриб бўлгач шу атрофда яшовчи кўплаб аҳолн янги станцияни тантаналн очиш маросимига тўпланди. Пойтахтдан фахрли меҳмонларнинг ҳам келиши кутилаётган эди. Улар тез юрадиган поездда келиши керак эди. Мана ниҳоят кутилган дамлар яқинлашди: поезд составининг келаётган овозн эшитилди. Оркестр куйлар чала бошладн. Поезд эса куй садоларн остида ғизиллаб, тўхтамасдан ўтиб кетди... Кейин маълум бўлишича темирйўлчилар янги станцияни поездларнинг ҳаракат жадвалига киритишни унутишган экан.

● МУЗДАН... ҲАЙКАЛ ЯСОВЧИЛАР КОНКУРСИ

Токнода музлан... энг яхшн ҳайкал ясаш бўйнча ўн учинчи марта конкурс ўтказилди. Бу галги конкурсда Т. Судзуки ғолиб чиқди. Унинг «Рақс тушаётган аёл» деб номланган ҳайкали юксак баҳога сазовор бўлди. Бу тадбир қатнашчилари дуч келган асосий қийинчилик шу бўлдики, конкурс ёзда уюштирилдиган тадбир бўлиб, мусобақа қуёш нурлари чарақлаб турган бир шароитда ўтказилди.

● ҲАЙДОВЧИ ВА МУЗИКА

Ҳайдовчи кабинасида янграган куй тўғри ва унчалик мураккаб бўлмаган йўл участкаларида шофёрнинг реакциясини оширар, диққат-эътибор қаратиш зарур бўлган мураккаб йўл участкаларида эса унинг реакциясини пасайтирар экан. Ғарбий Берлин университетининг техник коммуникация-лар институти томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларн ана шундай хулосага келиш имконини берди.

Редактор
Ш.О.УБАИДУЛЛАЕВ

3 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

2 НОЯБРЬ, 1984 й.

● ДИЁРИМИЗ КЎРКИ

Кузнинг якунловчи ойи

Фасллар ичида олтини бўлган кузнинг якунловчи ойи—ноябрь ғоят сайёрамиз бўйлаб ўз жамолини тараннум этаяпти. Бу ойни куз ҳам, қиш ҳам деса бўлади. Дарҳақиқат ойнинг бир куни кузга ўхшаса, иккинчи куни қишга ўхшайди.

Бу ойда кунлар худди қишдагидек қисқа бўлиб қолади. Кун шимолда — Мурманскда 4 соат 40 минутга, Ленинградда 2 соат 15 минут, Москвада 1 соат 50 минут, Тошкентда эса 50 минутга қисқаради. Шимолий Қутб районларида эса Қутб тунлари бошланади.

Серқуёш ўлкамизда ноябрь оддий куз ойи. Бу ойда кунлар анча иссиқ бўлиб, баъзи кунлари ҳаво ҳарорати 20—25 даражагача исиб кетиши, айрим кунлари эса ноль даражага яқинлашиши мумкин. Ноябрда ўртача ойлик ҳаво ҳарорати одатда 6—8 даражани ташкил этади. Бу ой ўлкамизда анча қуруқ келади. Ғарбий районларда бор-йўғи 9—12 миллиметр ёғин ёғади. Тоғли жойларда ёғин ойига 30— 50 миллиметрга етиши мумкин.

Ўлкамиз табиати ранг-баранг; ноябрда пурвиқор тоғларимиз —Тянь-Шан, Помир ва Олойда қаҳратон қиш ўз ҳуқуқларидан бемалол фойдаланади.

Ноябрда, кузнинг охирги ойида, Ўрта Осиё текисликларида, шу жумладан Ўзбекистонда беқарор иқлим ҳукм суради. Совуқ кунлар илиқ ва очиқ кунлар билан алмашиниб туради. Тупроқда намликнинг ошиши сабабли саҳро ўсимликлари ва баҳорикор далалар кўм-кўк тус олади. Ўзбекистонда бу давр ўсимликлар ҳаётн учун жуда муҳим аҳамиятга эга.

Ноябрь— меҳнатсевар халқимизнинг йил давомида қилган мардонавор меҳнатининг натижаси — баракали хирмон кўтарадиган ойи.

«Оқ олтин» хирмони баракали бўлсин!

А. АКБАРОВ,
география фанлари кандидати.

● Коинот—84

НОЯБРЬ ОСМОНИ

Кузнинг сўнгги ойи —ноябрда Зуҳра планетаси кечки пайтларн жанубн-ғарбда бир ярим соатларча ёруғ юлдуздек чарақлаб туради. Ойнинг охирида Марс планетаси Ўқчи юлдуз туркумидан Жадди туркумига ўтади. Унинг кўриниш вақтн бир ярим соатга етиб, жанубн ғарбда бўладн.

Юпитер планетаси жанубн-ғарбда кечки пайтлар бир соатча кўриниб, сўнг ботади. Ўтган ойнинг ўрталарида кўринишн тугаган Сатурн сайёраси ноябрь ойида ҳам жамолинн кўрсатмайди. Бу ажойиб сайёранн ҳалқалари билан келгуси ойда эрталабга яқин кўришимиз мумкин бўлади.

Шу ойнинг 22—23 ноябрь кунлари Австралия, Янги Зеландия, Индонезия ва Филиппин оролларида тўла қуёш тутилиши кузатилади. Бу ҳодиса Ватанимиз территориясида кўринмайди.

Ноябрь ойининг ўртасида Леонид метеор оқими бўлади. Бу яшил рангли из қолдирадиган, тез учар метеорлар — «Учар юлдуз»лардир.

● Шаҳримизнинг зилол сувлари

БЎЗСУВ НЕГА БЎЙЛАЙДИ?

Тошкентимизда бир азим наҳр борки, унинг шарофати билан шаҳарнинг боғлари гулгун, мевалари ларзон, кўчалари ободчарофон. Бу —Бўзсувдир. Хўш, бизга ҳаёт манбаи бўлиб хизмат қилаётган Бўзсувнинг соҳилларида, зилол сувларида аҳвол қандай? Бундан бир неча йил илгари Бўзсувнинг шаҳар марказидан ўтувчи қисмига бетон «кўйлак» кийгизилиб, унга бир мунча оро берилган эди. Афсуски, бу, яхши ташаббус шу билан тўхтаб қолди. Анҳорнинг шаҳарга кира бошлаш жойидан кузатиб келсангиз, унинг ҳамон ночор аҳволда эканининг гувоҳи бўласиз. Табиатнинг бебаҳо туҳфаси бўлган Бўзсув қаровсиз, «бўзлаб» оқяпти. Бешёғочдаги Бўзсув соҳилида «Шаршара» номли жуда яхши чойхона ва лағмохона қурилиб ишга туширилган. Бу шаҳар марказидаги «Анҳор» чойхонасидан ташқари Бўзсув соҳилида қурилган якка-ёлғиз умумий овқатланиш шахобчаси. Ваҳоланки, бу ажойиб сув артериясининг шаҳар Ҳалқа йўлидан бошланиб, то пойтахтни кумуш камардек кесиб ўтган барча соҳиллари атрофида ўнлаб анв шундай объектлар қуриш, аҳолининг маданий ҳордиқ чиқариши учун заррур шароитлар яратиш мумкин эди.

«Шаршара» ошхонасининг атрофлари ҳозир анча ободонлаштирилган. Лекин унинг рўпарасида— Бўзсувнинг иккинчи қирғоғига экилган дарахтлар сувсизликдан қуриб-қақшаб ётибди. Бу ерга ҳар йили дарахт экилади-ю, лекин уни вояга етказиш тўғрисида ҳеч ким жон қўйдирмайди. Шу ердан оқиб ўтувчи Кура дарёси ёки Ленинобод шаҳри марказидан ўтувчи Сирдарёни олиб кўрайлик. Кура дарёси атрофлари Тбилиси шаҳрига файз берувчи энг асосий оромгоҳлардан бирига айланган. Дарёнинг шаҳар ўртасидан ўтувчи бирон қарич ери йўқки, у одамларнинг дам олади-ган, ҳордиқ чиқарадиган масканига айланмаган бўлсин. Кейинги вақтда Ленинобод шаҳридан ўтувчи Сирдарёнинг ҳар икки соҳили бетонлаштирилиб, ўнлаб ошхона ва ресторанлар қурилди, турли хил дарахтлар ўтқазилди, боғзорга айлантирилди.

Азим пойтахтимиз— икки миллион аҳолиси бўлган ва икки минг ёшли Тошкент бағридан кумуш камардек оқиб ўтувчи Бўзсув соҳилларини ҳам ялпи оромгоҳларга айлантириш мумкин-ку, ахир? Бундан беш-олти йил муқаддам Тошкент метросининг йўлларини Аҳқор тагидан олиб ўтишга тўғри келганида, вақтинча унинг сувн тўхтатиб қўйилган эди. Республика партия ва ҳукуматининг ташаббуси билан ўша кунларда ўнлаб ташкилотлар Бўзсувнинг шаҳар марказидан ўтувчи каттагина қисмида соҳилни бетонлаш, зинапоялар қуриш, ободонлаштириш ишларини амалга оширдилар. Келгусида Бўзсувнинг ана шу қисмида болалар сайр қиладиган катерлар қатновини йўлга қўйиш борасида ҳам ўринли фикр-мулоҳазалар билдирилган эди. Бу таклифлар амалга ошса нур устига аъло нур бўлади.

Бўзсув соҳилларини тоза ва озода сақлаш, янада кўкаламзорлаштириш, умумий овқатланиш ва маданий ҳордиқ объектлари қуриш бугунги кунда Тошкентдек улкан шаҳарни ободонлаштириш бўйича амалга оширилаётган жуда катта ишларнинг муҳим бир қисми бўлиши зарур. Бунинг учун Тошкент шаҳрининг мутасадди ободонлаштириш ташкилотлари Бўзсув ва унинг барча тармоқлари атрофини кўкаламзорлаштири ш г а жиддий эътибор бериши керак. Бўзсув, айниқса Анҳор канали ёқалаб уйиб ташланган ахлат ва чиқиндихоналарга чек қўйишлари, ошхона ва чойхоналар томонидан сувга чиқиндилар ташланишига барҳам беришлари лозим. Бўзсув ва унинг тармоқларида дам олувчилар жамоат тартибини бузишларига йўл қўймаслик керак. Шундагина, «Бўзсув ва унинг тармоқлари ҳам шаҳарларимизга беминнат хизмат кўрсатади.

А. АМИНОВ,
М. АБДУЛЛАЕВ.

ЎРИК ЧИРОЙЛИ ГУЛЛАЙДИ

Тонг саҳарда тушган шабнам дов-дарахтлар, майсалар кокилини чанг-губордан ювмоқда. Саратон офтобида қуёш нурига тўйган япроқлар ерга поёндоз бўлиб тушмоқда.

Шаҳар кўксида бўй чўзган телевизион миноpа атрофида катта ва сўлим хиёбон барпо этиляпти. Худди шу ерда шаҳар бош агрономи Кўчқор Тожибоевич Ваққосовни учратиб қолдик.

— Телевизион минора атрофида бўлғуси боғ чиндан ҳам ҳамшаҳарларимиз фахрланиб тилга оладиган масканга айланади. Бу ерда, мана ўзингиз кўриб турибсиз, бўлажак гулзорларнинг чизиғи тортиляпти. Экиладиган манзарали ва мевали дарахт кўчатларининг ўрни ҳозирланмоқда.

Мана шу куз фаслида пойтахтимизда 35 та кичик янги хиёбон ташкил қиляпмиз. Космонавтлар майдони, Бошлиқ массиви, Навоий кўчасидаги савдо растаси ва бошқа жойларда ҳш бошлаб юборилди. Бундан ташқари, барча гулзорларда қишки гуллар ўтқазилятти. Аэровокзал, парадлар хиёбони, Навоий театри, Ленин проспекти хиёбони ва бошқа жойлар учун 2,5 миллион дона қишки гул экилмоқда.

10 ноябрдан бошлаб шаҳримизда кузги кўчат ўтқазиш ойлиги бошланади. Бунинг учун барча областлардан 1 миллион дона туп манзарали, мевали дарахт кўчатлари ва буталар олиб келяпмиз. Мевали дарахтлар орасида ўрик, ёнғоқ, беҳи, олхўри, олма, шафтоли каби дарахт кўчатлари бор. Шаҳримизда мевали дарахтлар камлиги тўғри таниқид қилинди. Бу камчиликка чек қўйиш мақсадида аниқ тадбирлар белгиланмоқда.

Шаҳримиз хиёбон ва кўчаларида ўрик ва бошқа мевали дарахтлар чиройли ва жозибали гуллаши, мевазор боққа айланишига ҳаммамиз сидқидилдан ҳисса қўшмоғимиз керак. Она шаҳрини чин дилдан севадиган киши айни чоғда боғбон ҳам бўлмоғи керак.

А. ПЎЛАТОВ.

Чингиз АЙТМАТОВ



(АСРГА ТАТИГУЛИК КУН)

Найманлар ёзлик манзил қурган тоғ этагидаги адирларда жилғалар жилдираб оқади. Найман-Она сувнинг жилдираб оқишига тунн билан қулоқ тутди. Онанинг исёнкор руҳига ва муножотига унчалик ҳамоҳанг бўлмаган сувнинг забони нималарни шивирлаётган экан! Қалб таскинига муҳтож. Ҳайҳотдай гунгсоқоп Сарнўзак чўли сари равона бўлиш олдидан шошқин сувнинг мусиқасини тўйиб-тўйиб тинглашга орзуманд эди. Кимсасиз чўлга яккаёлғиз бориш қанчалик хавфли-хатарли эканини она биларди, аммо шунга қарамай ўғлиган ниятини бирор кимсага айтишни, кўнгил ёришни истамади. Барибир дарднигга дардманд бир кимсани тополмаёган ҳам. Ҳатто энг яқин қишилари ҳам унинг бу ниятини маъқулламаган бўлардн. Аллақачонлар ўлиб кетган ўғлини излаб чиқиш на ҳожат. Мабодо аллақандай тасодиф билан ўғли ўлмай, манқуртга айлантирилган тақдирда ҳам уни қидириб топаланган юракни қайта поралаш на ҳожат. Чунки манқурт аввалги одамнинг шунчаки ташқи қиёфаси, зоҳирий кўринишидан иборат холос...

Ўша тунн йўлга тушиш олдидан Найман-Она ўтовдан бир неча бор ташқарига чиқдн, узоқ вақт тун қаърига тикилиб, атрофга назар ташлаб, қулоқ осиб ўй-ҳаёлларинн бир ерга жамлаб олишга ҳаракат қилди. Ярим кеча, мусаффо осмон, тепага келган ой қир-адирларни бир текисда оппоқ сутга чайиб олгандай нур таратиб турадн. Қир-адирларнинг ёнбағирларига сочилиб кетган оқ ўтовлар шовқин солиб оқаётган шўх жилғалар бўйнга тунаш учун келиб қўнган қушлар галасинн эслатарди. Айлнинг этагига жойлашган қўй қўраларн ва ундан нарида, жилғалар бўйнда ўтлаб юрган от уюрларн томондан итларнинг ҳурнши ва одамларнинг гангур-гунгур овозларн эшитилиб турардн. Ҳаммадан ҳам айлнинг берни томонидагн қизғувонларнинг бир-бирига жўр бўлиб куйлашидан Найман-Онанинг юраги жиз этиб кетдн. Узи ҳам бир вақтлар тунларн мана шу қизлар сингари ўлан айтардн... Янглишмаса, келин бўлиб тушгандан бери улар ҳар йили ёз мол-жонн билан шу ерга кўчиб келишади. Бутун умр шу ерларда ўтдн. Оилада одамлар сонн кўплнгида улар бирданига тўртта ўтов тнкишарди — бирн ошхона, бирн меҳмонхона, иккитаси ётоқхона бўлардн. Кейнн эса, жунгжанглар нстелосндан сўнг ҳувиллаган уйда ёлғиз ўзи қолдн...

Мана энди эса унинг ўзи бу ёлғиз ўтовдан бадар кетмоқда... Кеча оқшомдаёқ сафар жабдуқларнни бут қилдн. Егулик ва нчгулнгини ғамладн. Айнқса сувни мўлроқ олдн. Сарнўзакнинг чўлида қудуқ топилмай қолгудай бўлса дегандай, ҳар эҳтимолга қаршн, нккн мешнн тўлдирдн.... Кеча оқшомдаёқ совлуқ туя Оқмоянн шай қилиб қозиққа боғлаб қўйганди. Умидн-шюнчн ҳам, бирдан-бир ҳамроҳн ҳам ўша. Агар Оқмоянинг куч-қувватию йўрғасига ишонмаганда, Сарнўзакдек соқоп чўлга йўл олишга журъат эта олармиди! Оқмоя нкки бор болалагандан сўнг ўша йилн қнсир қолиб, обдон дам олади. Унинг айни авжи кучга тўлиб мнинша қўл келиб турган кезларн эди. Озгин, чайр оёқлари узундан келган, товонлари юмшоққина, қарилнгу оғир юкдан ҳали толиқмаган, қўш ўркачли, камондек эгилиб келган бақувват бўйнидаги бошн келишимли, капалакнинг қўш қанотидай дириллаб, енгил елиб, йўл-йўлакай ҳаволн сипқирнб бораётган Оқмоя қимматбаҳо туя бўлиб, унинг нархн бутун бир уюр баҳосига тенг келарди. Бундай йўрға туя айни авжи кучга тўлганда, ундан насл олиб қолиш мақсадида ҳамённнн аямаган кишилар четдан излаб келишарди. Бу Найман-Она қўлидагн сўнгги хазина, бор бисотндан қолган ягона ёдгорлик эди. Қолган бойликларнинг эса кули кўкка соврилди. Топган-таянганнн қарзга тўладн, уруш-да ҳалок бўлган фарзандларнинг қирқи-ю, йиллик маъракаларига сарфладн... Мана ҳозир ғам-ғуссага тўлиб, ўзини қўярга жой тополмай, тонг отишн билан излаб йўлга чиқмоқчн бўлиб турган ўғлининг ҳам сўнгги маъракасини ўтказди, ўтказганда ҳам яқин-атрофдагн Найман уруғларнинг барчасини чақирган ҳолда каттагина қилиб ўтказди.

Найман она эрта тонгда ўтовдан чиқдн. Чиқдн-ю остона ҳатлаганнча эшикка суянлб, уйқуга чўмган айлга нигоҳ ташлаб ўйланиб турнб қолдн. Ҳозир у ана шу қадрдон айлнн ташлаб йўл тортадн. Ҳалн ҳам аввалгн қадди-қоматнни, гўзаллигнн йўқотмаган Найман-Она олис сафарга жўнаётган кишилар сингарн белнни маҳкам боғлаб олгандн. Оёғнда ўкчалн этнк, эгнида чалвор шнм, кўйнагн устндан енгсиз камзнл кнйнб, устига чакмон ёпиннб, бошнн оқ рўмол билан маҳкам танғнб олган эдн. Модомнки, ўғлнмнн тирнк кўрнш насиб қилармнкан деган умндда йўлга чиқар эканман, мотам либосн кнйишга на ҳожат бор, мабодо умндим рўёбга чиқмаса кейнн ҳам ўла-ўлгунча қора рўмол ўраб юришга улгураманку, деб ўйладн она. Ҳаёт урнишларн она қалбнга ўз муҳрнн босиб улгурган эдн. Субҳн козиб эса шу лаҳзаларда қайғу-алам чекавернб ҳасратда дог бўлган онаннинг оқ оралаган сочларн-ю юзларндаги чуқур ажнналарнн яшнрнб турган эдн. У кўзларнга ёш олнб, оғнр хўрсиндн. Етти ухлаб тушнда кўрмаган ҳеч ким ҳозирда бундай савдолар борлигнни. Бироқ она дарҳол ўзнни қўлга олдн. «Ашҳадан ан-на, лоилоҳа иллалло» (Худодан ўзга худо йўқ), деб пичирлаганча калнма қайтардн. Сўнг туяси томон шаҳдам одимлаб борнб, унн чўктирдн. Оқмоя жаҳлн чиққанндан эмас балкн шунчакн, одатга кўра секнн бақнрнб қўйдн-да, бемалол кўкрагнни ерга бернб чўкдн Найман-Она хуржунларнни нккала ўркач оралнғнга орта солнб, ўзн ҳам дарҳол туянинг устига чиқнб ўтнрнб олдн ва қанн бўлақол дегандай унн нақтаб қўйдн. Туя у ён, бу ён қўзғалнб тура бошлаганда Найман-Она гўё еру замнндан қанот боғлаб учнб кетгандай бўлдн. Узоқ сафарга йўл олаётганларнни Оқмоя эндн тушундн...

Найман-Онаннг айлдан чиқнб кетаётганлнгнни узатишга чиқнб, уйқуси очилмай эснаб турган қайнн-снғлнсндаги бошқа ҳеч кнм сезмадн. Она унга кеча оқшомдаёқ турқунларн — қизлнк кезларндагн қарнндош-уруғларнникига меҳмонга кетаётганлнгнни, агар у ердан эмёратга бораётганлар билан учрашиб йўлн тушиб қолса, улар билан бнргалнкда қнпчоқлар манзилига, Ҳазрати Яссавнй мақбарасинн знёрат қилиб келишга бормоқчн эканлнгнни айтган эдн...

Найман-Она одамлар сўраб-сурнштнрнб бошнн қотнрмасин деб барвақтроқ йўлга чиққанлнгнинг сабабн ҳам шунда эдн. Айлдан узоқлашиб бораркан, Найман-Она Сарн ўзак даштн томон бурилдн, унн олдннда ғнра-шнра кўзга ташланган тунд ва чексиз чўл кенгликларн кутардн...

Бу ерларда поездлар машриқдан мағрибга ва мағрибдан машриққа томон пайдар-пай қатнаб турадн...

Темнр йўлнинг нккала томонида ҳайҳотдай даштлар — Сарнўзак, Ўртачўл ястаннб ётадн.

Европада ҳар қандай масофа Гринвич меридианидан ўлчангани сингарн бу ерларда масофа темнр йўлга нисбатан ўлчанадн.

Поездлар машриқдан мағрибга ва мағрибдан машриққа томон пайдар-пай қатнаб турадн...

«Конвенцня» авиабардорндан «Паритет» орбнтал станцняснидаги назоратчн фазогирларга яна бнтта шнфрланган радиограмма узатилдн. Бу радиограммада айнн ўша қатънй тақднд оҳангида қуёш Галактикасидан ташқарида парвоз қилаётган 1—2 ва 2— 1 паритет-фазогирлар билан уларнинг орбнтал станцняга қайтнш вақтн ва имкониятнни муҳокама қилиш мақсадида радно алоқа қилмаслнк, шундан сўнг Бирмарбош кўрсатмаларнни кутишни маслаҳат берган эдн.

Океан секнн тўлқинланиб, авнакема сезнларнн даражада чайқалиб турардн. Қнсқа-қнсқа, аммо шиддатлн тўлқинлар улкан кеманнни қуйруғнга келиб урилиб ўйнардн. Қуёш эса тўлқинлар ҳаракатндан тнниқсиз мавжланиб, сутдай кўпикланиб турган океан юзасига ҳамон нур сочиб, бнр маромда ғир-ғир шамол эсиб турардн.

«Конвенцня» авиакема хизматндагн ҳамма кучлар, шу жумладан авиакамотлар ҳамда давлат манфаатларн хавфсизлнгн группаларн тўла тайёргарлнк ҳолатнда турншган эдн...

[Давомн бор].

(Давомн. Бошн газетанинг ўтган сонларида).

ҲУРМАТЛИ КИНОҲАВАСКОРЛАР!

Тошкент шаҳар кинолаштириш бошқармаси ва шаҳар кинофильмлар прокати идораси кўп сонли киноҳаваскорларнинг истакларини инобатга олиб, СССР «Госфильмфонди» архивидаги

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАРНИНГ

«ЭКРАННИНГ АЖОЙИБ ДУНЁСИ»

РЕТРОСПЕКТИВ КЎРСАТУВИНИ ЎТКАЗАДИ

Шаҳар кинотеатрлари экранларида сиз жаҳон киноэкрани усталарининг севимли асарлари билан учрашасиз.

ПРОГРАММАДА:

«Ы» операцияси ва Шурикнинг бошқа саргузаштлари. «Мосфильм» киностудияси маҳсулоти.

«Ҳалок бўлган альпинист меҳмонхонаси». «Таллинфильм» киностудияси маҳсулоти.

«Рокко ва унинг укалари» (Италия).
«Чангда қолган гул» (Ҳиндистон).
«Ганга ва Жамна» (Ҳиндистон).
«Оқ бўрилар» (ГДР).
«Бобби» (Ҳиндистон).
«Агентнинг тугатилиши» (Чехословакия).
«Бабетта урушга боради» (Франция).

РЕКЛАМАНИ КУЗАТИБ БОРИНГ!

Шаҳар узра оқшом қўнганда уйларнинг деразаларидан чироқлар ялтираб кўрина бошлайди. Креслога ўтириб мутолаа қилаётганимизда ёки тўр тўқиётганимизда ТОРШЕРни, ётоқхонадагикаравотда дам олаётганимизда БРАни, кечқурун ишлаётганимизда ёки мактуб ёзаётганимизда СТОЛ ЛАМПАСИни, дўстлар байрам дастурхони устида тўпланганида жозибали ҚАНДИЛларни ёқиб юборамиз.

Хонадонни нурафшон этиш муҳим аҳамиятли омиллардан ҳисобланади. У кишида ўзига хос яхши кайфият, файз ва қулайлик яратади. Хонадонда ёритиш чироқлари қанчалик кўп бўлса, бизнинг турмушимиз шунчалик файзли ва қулай бўлади.

«ТАШХОЗТОРГ»НИНГ 5-«ТЕХНИКА-ТУРМУШДА»» МАГАЗИНИ

2—6 НОЯБРЬ КУНЛАРИ

САВДО-КЎРГАЗМАСИНИ ЎТКАЗАДИ

ҚАНДИЛЛАР, ОСМА ЧИРОҚЛАР, СТОЛ ЛАМПАЛАРИ, БРАЛАР САВДОГА ҚЎЙИЛАДИ

Бу ерда Самарқанд холодильниклар заводида ишлаб чиқарилаётган «СНЕЖИНКА» холодильникларининг САВДО-КЎРГАЗМАСИ ҳам ўтказилади.

Кўргазманинг иш соатлари: соат 10.00 дан 19.00 гача, танаффус соат 14 дан 15.00 гача.

Магазин қуйидаги адресда жойлашган: Тошкент шаҳри, ЎзССР 50 йиллиги проспекти. «Марказ—14» квартали, 26-уй.

ТОШКЕНТ ЭЛЕКТР МАИШИЙ АСБОБЛАРИ ЗАВОДИ.

«УЗХОЗТОРГ»НИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЛАРАРО БАЗАСИ.

«ТАШХОЗТОРГ» (телефон 91-59-43).

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-24).

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

ШАҲАР ОЗИҚ-ОВҚАТ ЧИҚИНДИЛАРИНИ ТЎПЛАШ ИДОРАСИ

нон, ярма ва бошқа унли маҳсулотлар чиқиндиларини нақд пул эвазига — ҳар килограмми учун 12 тийин баҳосида тўлашни уюштиради.

Озиқ-овқат чиқиндилари 8.00 дан 19.00 гача, танаффус— 13.00 дан 15.00 гача, дам олиш кунларисиз қуйидаги адресда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Гоголь кўчаси, 38-уй («ВЛКСМ 30 йиллиги» кинотеатри қаршисида).

ЛЕНИН РАЙОНИ 3-ҚЎЙИЛИҚ МАССИВИ 34-ЖЭК, 17-уй («Олимпия» кафеси ёнида);

АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОНИ, 11-квартал, 65-ЖЭК, 41-уй сут комбинати қаршисида.

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИ, 17-квартал, 32-уй (метронинг «Чилонзор» станцияси).

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР!


НОН ҚОЛДИҚЛАРИНИ ТОПШИРИШДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИНГ!

Шуни ёдда тутингки, сиз тўплаб берган 10 килограмм нон, килограмм крупа қолдиқлари шаҳар аҳолисига сотиш учун 1,5 килограмм гўшт етиштириш имконини беради.

ҚУВОНЧЛИ ЮМУШЛАР

БАЙРАМОЛДИ САВДОСИ МАНЗАРАСИ

БУГУН, СИЗ ҚАДРДОН ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ, СИЗЛАРНИ ШАҲРИМИЗНИНГ БОШ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИ, «ТОШКЕНТ» САВДО ФИРМАСИНИНГ СОВҒА МАГАЗИНЛАРИ ВА «БОЛАЛАР ДУНЁСИ» САВДО ФИРМАСИ МАГАЗИНЛАРИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИШНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!



БАЙРАМГА ҚЎШИҚ ЯРАШАДИ...

БОШ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИН ГРАМПЛАСТИНКАЛАРНИНГ ЖУДА КАТТА ТУРКУМИНИ ДИҚҚАТИНГИЗГА ХАВОЛА ҚИЛАДИ.

Сиз бу ерда машҳур «Би-Джиз», «Весёлие ребята» ансамблари ижросида эстрада куйларини, албатта Ротару, Анна Герман, Мулявина қўшиқларини ва ниҳоят барча фарзандларимиз севиб қолган «Малиш ва Карлсон», «Буратинонинг саргузаштлари» ва бошқа кўпгина севимли пластинкаларни сотиб олишингиз мумкин.

Сиз Бош универсал магазинидан гуллар, хўл мевалар, мурабболар, конфетлар учун чиройли вазалар, биллурдан ишланган фужер ва рюмкалар, мамлакатимизда тайёрланган ва чет эллардан келтирилган чинни чой ва ошхона сервизларини харид қиласиз.

Заргарлик буюмлари секциясида олтин зеби-зийнатларга эътибор беринг.

Ҳозирги пайтда жозибали гул нақшлари солинган жун рўмоллар ўраш одат тусига кириб қолди. Сиз катта ва ўртача размердаги ранг-баранг матолардан тайёрланган рўмолларнинг дидингизга манзур бўладиганини танлайсиз. Бу рўмоллар Павлово-Посадск ва Озарбайжон корхоналарида тайёрланган.

КОСМЕТИКАНИНГ СЕҲРЛИ ҚУДРАТИ

Косметиканинг кенг имкониятлари ҳар қандай аёл кишининг гўзаллигига яна ҳусн қўшади ва уни дилбар қилади.

Крем ва упа, лаб бўёғи, қош ва қовоқ бўёғи, атрлар аёллар учун мунтазир. Ахир уларни харид этмасдан бўлмайди!

«ТОШКЕНТ» САВДО ФИРМАСИНИНГ СОВҒА МАГАЗИНЛАРИДА БУНДАЙ МОЛЛАРНИНГ ЖУДА КАТТА МАЖМУАСИ САВДОГА ҚЎЙИЛГАН.

15 хил тусдаги лаб бўёғи, қутичали упа, гул ва орзуманд исли «Агат», «Легенда», «Москвичка», «Успех» атирлари аёлларга аталган. Бундан ташқари эркаклар учун «Лаванда», «Консул», «Ив» одеколонлари савдога чиқарилган.

Жун ва жун аралашган газламалардан тикилган трикотаж костюмлар, безакли, такомиллашган бичиқдаги кўйлаклар аёл кишиларнинг диққатини жалб этиши турган гап. Кўйлаклар қирмизи, тўқ гунафша, оч жигарранг, катак-катаклидир.





МАГАЗИНЛАР АДРЕСИ:

8 — «Бахт», Олмазор массиви 6 ва 7-уйлар;

12 — Халқлар дўстлиги проспекти, 5-квартал, 5-уй;

16 — Луначарский шоссеси, 123-уй;

Кичкинтойларга янги ўйинчоқлар тақдим этилса уларнинг қувончи бир олам бўлади. Бу ўйинчоқлар пластмассали майлунлар ёки қўғирчоқлар, ёши каттароқ бўлиб қолган болалар учун эса коптоқ ёки велосипед, мактаб ўқувчиларига эса конструктор ёки самолёт модели жуда ҳам мос бўлади.

Балки сиз фарзандингиз учун жун кўйлак ёки юбкача, вельветли ёки жун трикотаж костюмини сотиб оласиз.

СИЗЛАРНИ «БОЛАЛАР ДУНЁСИ» ФИРМАСИНИНГ МАГАЗИНЛАРИГА ФАРЗАНДЛАРИНГИЗ УЧУН МОЛЛАР СОТИБ ОЛИШГА ЧОРЛАЙМИЗ.

БОШ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИ (телефон 42-27-39).

«ТОШКЕНТ» САВДО ФИРМАСИ (телефон 24-25-96).

«БОЛАЛАР ДУНЁСИ» (телефон 42-56-40).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-24).

ТВ

ЖУМА

2 НОЯБРЬ

● МТ I

17.55 «Эртак ҳузурида меҳмонда». Мультфильмлар.
18.45 «Сиз яратган боғ».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
20.00 МТ ва БР эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
20.30 «Қизил қўнғироқлар». Етти серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 5-серия.
21.30 «Время».
22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Торпедо» — «Зенит». Танаффус пайтида (22.45) — «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Саёҳатчилар клуби».
19.50 Баскетбол бўйича Европа чемпионларининг кубоги. Эркаклар. МАСК — «Лимож» «Франция».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «БАМ —Сибирь бойликларининг калити». Телерепортаж.
21.15 В. Ковтун чалади (аккордеон).
21.30 «Время».
22.00 «Кинопанорама».
23.50 «Дам олиш соатлари». Ҳужжатли фильм.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильмлар.
18.40 «Океан сари йўлдан». Илмий-оммабоп фильм.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.50 «Илҳом». Ижодкор ёшларнинг телевизион клуби.
20.30 «Ахборот».
20.55 «Ёшлар куйлаганда». Концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Исёнкорлар ва фириавнлар». Ҳужжатли фильм.
23.00 Янгиликлар.

● Уз ТВ II

18.45 Кўрсатувлар программаси.
18.50 Ўқув программаси.
19.20 «Ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш — умумхалқ иши» (рус.).
19.50 Тошкент янгиликлари.
20.10 Ғалабанинг 40 йиллигига. «Фарҳоднинг жасорати». Бадиий фильм.
21.30 МТ II

4 ТОШКЕНТ ВЕЧ. ОҚШОМИ

2 НОЯБРЬ, 1984 й.

ШАНБА

3 НОЯБРЬ

● МТ I


9.00 «Время».
9.40 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати.
9.55 «Қизил қўнғироқлар». Етти серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия.
10.55 «Спортлото»нинг 44-тиражи.
11.05 «АБВГДейка».
11.35 «Дўстларимиз чеҳраси».
12.15 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Ғолиблар». Фронтдош дўстлар клуби.
13.35 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Шахтёр» — «Спартак». 2-тайм.
14.20 «Дунё воқеалари».
14.35 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
15.05 «Экологик кундалик». «Иссиққўл — қайноқ кўл».
15.25 «Циркчи». Бадиий фильм.
16.30 МТ ва БР электр чолғу асбоблари ансамблининг концерти.
17.00 Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати.
17.30 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Торпедо» — «Спартак». 3-давр.
18.15 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
19.15 «Ўртоқ қўшиқ» Бутуниттифоқ телеконкурси. Душанбадан олиб кўрсатилади.
20.00 Мультфильм.
20.30 «Қизил қўнғироқлар». Етти серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 6-серия.
21.30 «Время».
22.05 Останкино концерт студиясида ёшлар кечаси. Чақирув ёшидаги йигитларни армия сафига кузатиш.
24.00 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати.

● МТ II

00.15 Янгиликлар.
9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Агар соғлом бўлай десанг».
9.30 Болалар фольклор коллективларининг концерти. ЧССРдан олиб кўрсатилади.
10.10 «Захириддин Муҳаммад Бобур». Телефильм премьераси (Тошкент).
10.35 «Тонгги почта» музикали кўрсатуви.
11.05 «Гуллаётган арғувон дарахти ёқалаб». Ҳужжатли фильм.
11.15 Ритмик гимнастика.
11.45 ЛЕНИНГРАД ТЕЛЕСТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
13.15 «Чўққи». Телефильм.
14.25 «Кинотомошабин ҳамроҳи».
15.10 «Одам олов билан курашда». Ҳужжатли фильм.
16.00 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Торпедо» — «Спартак». 1- ва 2-даврлар.
17.25 «Космосдаги ва ердаги орбиталар». Илмий-оммабоп фильм.
18.20 «Интерфорум-84». Ёш ижрочиларнинг халқаро музикали фестивали.
19.10 «Халқаро обзор».
19.25 «Поэзия». В. Боков.
20.00 «Музикали киоск».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Здоровье».
21.30 «Время».
22.05 «Отўйин». Телевизион бадиий фильм.
23.30 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Сокол». 2- ва 3-даврлар.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 Болалар учун фильм. «Мишка — сеҳргар».
10.55 «Ҳужжатли кино экрани».
11.40 Ғалабанинг 40 йиллигига. «Матонатли кишилар». Бадиий фильм. 1-серия.
13.00 «Қалб армуғони». Очил шоир Эшмуҳамедов.
13.20 «Созандалар ҳақида ҳикоялар». «Баҳор» ансамблининг солисти М. Шокиров (такрорий).
14.00 «Ижодиёт эстафетаси». Ҳужжатли фильм.
18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 Мультфильм.
18.20 Болалар учун. «Бойчечак».
18.50 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.50 Телевизион миниатюралар театри.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эстрада концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Санъаткорлар — пахтакорларга». Музикали программа.
23.30 Кўрсатувлар программаси.



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

— орган Ташкентского горкома Узбекистана и Ташгорсовета.

(Газета бир йилда 300 марта чи...

БИЗНИНГ АДРЕС:

700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 1...

Телефонлар: секретариат— 33-57-02; ...партия турмуши— 32-53-66; саноат —32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; ...шн ва ҳуқуқ— 32-54-19; фан, мактаб, олий ...ри — 32-53-10; адабиёт ва санъат—32-56-61; ...—33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ...32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-81-42; диспетчери — 32-78-94.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг Матбуот Байроқ орденли боегахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс: 6...

Р—09549. Б-2015. 1 2 3 4 5 6 7